

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORIРЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi 77 A

г. Навои ул. Халклар Дустилиги 77 А

“11” Апрель 2017 у.(г)

№ Қ-105

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-426-сонли Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-426-сонли Қонуни ижросини таъминлаш таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги 2017 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-426-сонли Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қонунга асосан 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2017 йил, № 4, 85-модда) ўзгартишлар ва қўшимча киритилганлиги;

Мазкур Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судини ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини бирлаштириш, маъмурий ҳамда иқтисодий судларни ташкил этиш тўғрисидаги қоидалар 2017 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (У.Раззоқов), вилоят ҳокимлиги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи (У.Шарипов)га, вилоят Адлия бошқармаси (Ш.Бахронов), ЖИБ вилоят суди (А.Усманов),

ФИБ вилоят суди (Н.Файзиев), вилоят Хўжалик суди (Т.Абдраманов), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонунини ижрочиларга етказиш, моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чоратadbирларни ишлаб чиқиш ҳамда унинг бажарилиши бўйича мониторингини юритиш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (О.Аслонов), вилоят Телерадиокомпанияси (Қарчиғаев), Матбуот ва ахборот бошқармаси (Ж.Умирзоқов), “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти давлат корхонаси (А.Жўраев)га мазкур Қонуннинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



К.Турсунов